Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шархи / 227-ҳадис

227 – وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ: «لَنْ يَزَالَ الْمُؤْمِنُ فِي فُسْحَةٍ مِنْ دِينِهِ مَالَمْ يُصِبْ دَماً حَرَاماً». رَوَاهُ البُخَارِيُّ. [6862].

227. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мўмин ҳаром қилинган қонга қўл урмас экан, ўз динида кенгчиликда бўлаверади»**, дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Мўмин ноҳақ қон тўкмас экан, динида кенгликда бўлиб, Аллоҳнинг раҳмати ва лутфу-карамини умид қилса бўлади. Агар ноҳақ қон тўкса, унга танглик етиб, Аллоҳ раҳматидан ноумид бўлувчи жамоалар орасида бўлади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилинган қуйидаги ривоятда ана шу нарса айтилади.

«Ким яримта сўз билан бўлса ҳам мўминни ўлдиришга кўмаклашса, икки кўзи орасига «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид», деган ёзув билан учрашади».

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI